

“Хотин-қизлар ўртасида радикализмни олдини олиш” мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди

Жорий йилнинг 13-14 май кунлари Самарқанд вилоятида “Хотин-қизларнинг иқисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳуқуқ ҳамда имкониятларини кенгайтириш масалаларига минтақавий ёндашуви” мавзусида Осиё хотин-қизлар форуми ўтказилди.

Мазкур форумда Дин ишлари бўйича қўмитанинг Хотин-қизлар билан ишлаш ва Тарғибот гуруҳларини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Ф.Абдурахимова иштирок этди.

Шунингдек, 12-17 май кунлари Ф.Абдурахимова бошчилигида ташкил этилган ишчи гуруҳи томонидан Самарқанд вилоятининг Ургут туманидаги 10 та (“Қоратена”, “Қорабулоқ”, “Толариқ”, “Узун”, “Сойғўс”, “Санчиқул”, “Бешкапа-1”, “Ғойиб ота номли”, “Терсак”, “Кулоллик”) маҳаллаларидаги хотин-қизлар, 1 та умумтаълим мактабидаги ўқувчи-қизлар билан “Эрта туғруқ ва эрта никоҳларнинг салбий оқибатлари”, “Қизлар тарбиясига эътибор-келажакка эътибор демакдир” мавзуларида соҳа мутахассислари, ички ишлар, тиббиёт ходимлари, ФХДЁ бўлими раҳбари, психологлар иштирокида семинар-машғулотлари ташкиллаштирилиб, ўтказилди.



Ҳамда тумандан Саудия Арабистонига Ҳаж амалларини бажариш учун кетаётган 49 нафар аёллар билан Ҳаж амалларини адо этишнинг ўзига ҳос бўлган тартиб қоидалари, бугунги кунда маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, ҳар бир оилада соғлом муҳитни шакллантиришда, ёшларни ёд ғоялар таъсирига тушиб қолиш, соф ислом динни тўғри талқин этиш юзасидан давра суҳбати ўтказилди.



Тадбир сўнггида Ишчи гуруҳи томонидан Ургут туманидаги тарғибот гуруҳи аъзолари ва отинойларга тегишли тавсиялар ҳамда улар томонидан кўтарилган саволларга жавоб ва маслаҳатлар берилди.

